

ФИТРАТНИНГ «ОИЛА» АСАРИДА ОИЛА ВА ФАРЗАНДЛАР ТАРБИЯСИ ҒОЯЛАРИНИНГ ТАЛҚИНИ

Доц. Бобомирзаев Х., доц. Рузикулов Ф. (НавДПИ)

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан республикамызда аёллар, оила ва соғлом авлод йилларининг эълон қилинганлиги юртимизда мавжуд бўлган ҳозирги кунда истикомат қилиб турган 5 миллиондан зиёд оилалардаги юзага келган муаммоларни муваффақиятли ҳал этилишини таъминлаб берди, психологик иқлимнинг яхшиланишига олиб келди.

Ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда оиланинг роли ва ижтимоий мавқеи жуда баланддир. Буни шу яққол исботлайдики, шахсни шакллантириш аввало оиладан бошланади. Оила муаммолари, унинг ривожланаётган жамиятдаги ўрни ва ижтимоий нуфузи ҳамма замонларда ҳам даврнинг зиёли қатлами эътиборини тортди келган.

Жадидчилик ҳаракатининг йирик намоёниси Абдурауф Фитрат ҳам “Оила” асарида оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, ота-она ва фарзандларнинг ҳуқуқ ва бурчларини чуқур ёритиб берган.

Жадидлар фикри шундан иборатки, оила асосини тўғри қурмасдан, ёш авлодни тўғри тарбияламасдан туриб жамиятни ривожлантириш мумкин эмас. Бу қараш Фитратнинг асарида ҳам ўз ифодасини топган. “Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади”-деб ёзади у. Асарда Фитрат нафақат ёзувчи, балки элшунос, педагог ва руҳшунос қиёфасида ҳам гавдаланади. У “Одамнинг феъл ва ҳаракатини бир яхши шакл ва мазмунга келтириш учун унинг руҳини тарбиялаш лозим, дея таъкидлади ва бу жиҳат болада қандай татбиқ этилишини ҳам унутмайди: “Болаларни ўзига ишонган, кучли, топқир, чاقқон ва ақлли қилиб тарбиялаш учун ўз кадр-қиммати, тарбия қилмоқликни ўргатмоқ керак. Болаларни шундай тарбия этиш лозимки, бахтга бўлган интилишлари ҳеч қачон хазон бўлмасин... Ота-она болага мамнунлик ва хурсандчилик қилишни ман этмасликлари, балки ахлоққа зид бўлмаган ишлар билан мамнун ва хурсанд бўлишини қўллаб қувватлаш керак”.

Фитрат мазкур асарида гўдакларни тарбиялаш, унда ёш оналарнинг ўрни, оиланинг жамиятдаги роли, болаларнинг ахлоқий ва меҳнат тарбиясига эътибор бериш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтади.

Асар Бухоро амирлиги даврида ёзилганига қарамай Фитратнинг қарашлари ҳозирги кун эътибори жиҳатдан ҳам илғор. У фарзандни тўлақонли камол топтириб ўстириш учун унга жисмоний, ақлий ва маънавий тарбиядан иборат кўп таркибли тарбия бериш муҳимдир деб ҳисоблайди. Фитрат асарни чуқур ва кенг билимларга таяниб ёзади, донишманд ҳамда мутафаккир сифатида ҳар тарафлама мулоҳаза юритади. У одамларга зарур маслаҳатлар беришга маънавий жиҳатдан ҳақли эди, у кейинчалик бой ва илғор ижодий фаолияти натижаларига кўра биринчи ўзбек олими (профессори) унвонига сазавор бўлди.

Жамиятнинг маънавий қиёфаси оилаларнинг қандайлигига боғлиқ. Инсоннинг тақдири, касб танлаши ҳатто кайфияти ҳам унинг оилавий муҳити билан чамбарс муштарак. Оила одоб-ахлоқ бир-бирини ўзаро тушиниш, меҳнатга муҳаббат асосида қурилган бўлса бундай ижтимоий

маънавий муҳитда шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун асос яратилган бўлади.

“Ушбу рисоланинг асосий мавзуи оиладир, - деб давом этади Фитрат. – оила эр, хотин ва фарзандлардан иборат. Бошқача қилиб айтганда, оила бир шахс бошчилигида бир уйда яшовчилардир” Фитрат кичик жамоа сифатида оилага ана шундай психологик таъриф беради.

Фитратнинг ҳозирги кундаги машҳур бу асари 1914 йилда Бухорада ёзилган ва уша даврлардаёқ “Марказий Осиё”га кенг тарқалиб оилавий ҳаёт тўғрисидаги нодир китоб бўлганлиги билан кенг жамоатчиликнинг эътиборини жалб этган.

Оила жамиятнинг ижтимоий – маънавий бўғини бўлиб унда жамиятнинг келажаги бунёд этилади. Фитратнинг хизмати оила масаласида ўта давр учун мукаммал ҳисобланган йўриқномани дунёга келтириш билан изоҳланади.

Мазкур асарда тарбиянинг ҳар бир турини алоҳида номлаган муаллиф меҳнатсеварлик ва билим олиш тарбиясига алоҳида эътибор билан ёндашади ва ота-оналарни бу саъй-ҳаракатлар болаларга бахтга эришишга албатта ёрдам беради бахтга ишонтиради.

Халқимизнинг ҳаётда ўзини оқлаган илғор анъаналарини оила тарбиясида кенг қўллаш ҳамиша ҳам энг асосий вазифа бўлаб келган. Оиланинг маънавий-ахлоқий қиёфаси авлод-аждодларимиздан бизга мерос бўлиб ўтган билим, тажриба ва маданий қадриятлар йиғиндисидан намаён бўлади. Ҳар бир оила ўз фарзандини ватанпарварлик, одамийлик, садоқат, юксак ахлоқ руҳида тарбияласа бу инсоний фазилатлар шахсга бутун умри давомида ҳамроҳ бўлади.

Айтиш мумкинки, соғлом, маърифатли оила ва бу оилада ўсиб улғайган ривожланган шахс, миллат ва мамлакатнинг қудратли, шуҳратли бўлиши учун етук курашчи бўлиб шаклланади.

Фитрат оила тақдирида юрт ва халқ бахтини неқбинлик билан куради. Шу мулоҳазалардан келиб чиқиб у “Қаерда оила муносабати кучли интизом ва тартибга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади” деб ёзади.

У оила ва мамлакат тақдирини бир бири билан муштарак ҳолда куради экан фикрини давоб эттиради: “Халқнинг... давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши,... заиф бўлиб хорликка тушиши,... ўзгаларга тобе, қул ва асир бўлиши болаликдан ўз ота-оналаридан олган тарбияларига боғлиқ”. Ҳозирги мустақиллик шароитида бу сузларнинг фалсафий ва тарихий аҳамияти бекиёсдир.

Бу асарида муаллиф оила муаммолари ҳақида фикр юритар экан, ўзи яшаётган даврга хос бўлган таълим – тарбиянинг баъзи маъқул бўлмаган усулларида ҳаётий мисоллар келтиришни лозим топади.

Боланинг келажакда қандай инсон бўлиб етишиши онанинг унга нима бера олганига боғлиқдир. Фитрат ёқлаб чиққан бу фикр ҳозирги кунда ҳам ардоқли бўлиб ҳисобланади.

Хуллас, хулоса қилиб айтганда Абдурауф Фитратнинг “Оила” рисоласидан оила ва фарзандлар камоли, таълими ва тарбиясига доир ҳозирги кун учун долзарб бўлган қимматли фикрлар олиш мумкин.



Т а р б и я

Жамият
ривож



у
з
а
р
о

б
о
г
л
и
к

Жамиятнинг келажиги